

“НКМК” АЖ
Кузатув кенгашининг
2022 йил “27” июндан
9-сон баённомаси билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

(19-илова)

“НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН
ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИНИ
КҮРСАТИШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ

Навоий – 2022 йил

I. Умумий қоидалар.

1.1. Хайрия / ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда “Низом” деб юритилади) “Навоий кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда жамият, “НКМК” АЖ) томонидан ҳомийлик ва/ёки хайрия ёрдами сифатида маблағ ажратиш тартиби ва тамойилларини белгилайди.

Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

Хайрия ёрдами - бу Жамият томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бепул ёки имтиёзли шартларда мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш ёки бошқа йўл билан қўллаб-қувватлаш ҳаракатларини амалга ошириш учун ажратмалар (кўчирмалар).

Ҳомийлик ёрдами - бу ҳомийлик қилинадиган шахснинг ҳисоб рақамига Жамият томонидан маблағларни (шу жумладан мулк шаклида) ажратиши ва “НКМК” АЖ ҳақида реклама жойлаштириши (тарқатиши) шарти билан хизматлар кўрсатиши.

Хайрия / ҳомийлик ёрдами кўрсатиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиши бўйича комиссия – “НКМК” АЖ бошқаруви қарори билан шакллантириладиган ва хайрия/ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқадиган комиссия.

Ҳомийлик/хайрия ёрдами кўрсатиши бўйича жамият бошқарув органи - кўрсатилаётган ёрдам миқдорига қараб (бундан кейин матнда – “ваколатли орган”) ҳомийлик ва/ёки хайрия ёрдамини кўрсатиш масалаларини кўриб чиқиш учун ваколатли орган (бошқарув раиси – Бош директор, бошқарув, жамият Кузатув кенгаши) ҳисобланади.

1.2. Ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс ҳомийлик/хайрия ёрдамини сўраб жамиятга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

II. Ҳомийлик ва хайрия ёрдамининг ҳажми ва йўналиши.

2.1. Жамиятнинг ҳомийлик/хайрия ёрдамига сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисбот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, қарори ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори, фармойиши ва мажлис баёнлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг кўрсатма ва топширқларида суммаси белгиланган ҳомийлик маблағларини ажратиш Бошқарув қарори билан расмийлаштирилади ва Кузатув кенгашига бу ҳақда маълумот тақдим қилинади.

Мазкур хужжатларда ҳомийлик маблағларининг аниқ суммаси кўрсатилмаган бўлса, Жамият томонидан ҳомийлик ёрдами олувчи ташкилотдан (юридик, жисмоний шахс) ҳомийлик суммасини асослантирувчи хужжатлар (лойиҳа-смета хужжатлари, давлат ёки ваколатли органнинг экспертиза хulosаси, ўрнатилган тартибда тасдиқланган смета харажатлари ва бошқа ҳисоб-китоблар) талаб қилинади. Мазкур хужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан сўнг Жамият томонидан ҳомийлик маблағлари ажратиласди.

2.3. Ҳомийлик/хайрия ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарор ваколатли орган томонидан қабул қилинади.

Бунда ваколатли органлар ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият бошқаруви – бир марта 10 млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган бироқ умумий суммаси йилига 50,0 млрд. сўмгача бўлган бир нечта ҳомийлик/хайрия ёрдамини кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш. Қарор Бошқарувнинг тегишли баённомаси билан расмийлаштириласди;

- Жамият Кузатув кенгаши – бир марта 10 млрд. сўмдан ортиқ ёки Бошқарувга у томонидан ҳомийлик/хайрия ёрдамини кўрсатиш билан боғлиқ қарор қабул қилиш учун белгиланган йиллик чегара (лимит) (50,0 млрд. сўм) ишлатиб бўлганидан сўнг миқдоридан қатъий назар ҳомийлик/хайрия ёрдамини кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш. Қарор Кузатув кенгашининг тегишли баённомаси билан расмийлаштириласди.

2.4. Жамият Бошқаруви қарорларига мувофиқ тақдим этиладиган хайрия/ҳомийлик ёрдамининг йиллик лимити тугатилган ҳолларда жамият Кузатув кенгаши ушбу Низомнинг 2.1-бандида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ваколатли органларга қўшимча лимит бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

2.5. Ҳомийлик/хайрия ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарорларда қуйидагилар кўрсатиб ўтилади:

- ҳомийлик/хайрия ёрдамини олишдан мақсад;
- пул кўринишида ёрдам кўрсатиш шакли ва миқдори.

III. Ҳомийлик ва/ёки хайрия ёрдами тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.

3.1. Ҳомийлик ва / ёки хайрия ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ жамиятга юборилиши мумкин.

3.2. Қабул қилинган аризалар рўйхатга олинганидан сўнг “НКМК” АЖ Бошқаруви қарори билан тузилган хайрия/ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш бўйича аризаларни кўриб чиқиш комиссиясига (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) юборилади.

3.3. Комиссия мурожаатларни 7 (етти) иш куни ичида кўриб чиқади.

3.4. Мурожаатни кўриб чиқиша комиссия мурожаат этувчидан, тегишли жамият хизматларидан ёки давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларидан мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни талаб қилишга ҳақли.

3.5. Комиссия мурожаатни кўриб чиқиш учун жамиятнинг зарур мутахассисларини жалб этишга ҳақли.

3.5. Кўриб чиқиш якунлари бўйича комиссия ваколатли органга хайрия ва/ёки ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш ёки ёрдам беришни рад этиш тўғрисида таклиф беради.

3.6. Комиссия таклифини олгач, ваколатли орган хайрия/ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш ёки ёрдам беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

3.7. Кузатув Кенгашининг ҳомийлик ва / ёки хайрия ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарорлари жамият бошқаруви томонидан ижро учун қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

3.8. Жамиятнинг бош ҳисобчига ва ғазначилик бўлими бошлиғига ҳомийлик/хайрия ёрдамини кўрсатиш учун ўтказиладиган маблағларни ўз вақтида тўлаш мажбурияти юклатилади.

3.9. Хайрия / ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатга жавоб Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ариза берувчига юборилади.

IV. Ҳомийлик ва/ёки хайрия фаолиятини кўрсатиш бўйича шафдоф ва самарали жараёнини таъминлаш.

4.1. Жамият томонидан тақдим этилган хайрия / ҳомийлик ёрдами маҳфий мукофот шаклида бўлмаслиги ва ёрдам олувчининг ёки унинг шахсий ходимларининг хайрия ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, алоқадор шахслар, шунингдек, хайрия ёки ҳомийга шахсий манфаатдор шахслар фойдасига ҳал қилинишига таъсир қиласлиги керак.

V. Якуний қоидалар.

5.1. Жамият томонидан тақдим этилган ҳомийлик ва / ёки хайрия ёрдами тўғрисидаги маълумотлар жамиятнинг расмий веб-сайтида ёрдам кўрсатилган вақтдан бошлаб ўн кун ичида жойлаштирилиши керак. Бундай маълумотни жойлаштириш тижорат сирлари ва/ёки маҳфий маълумотларнинг талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Ушбу Низом ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритища ушбу Низомнинг айрим бандлари бўйича қарама-қаршиликлар юзага келса, ушбу бандлар Кузатув кенгashi томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ўз кучини йўқотади.

“НКМК” АЖда ҳомийлик/хайрия ёрдамлари кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиши бўйича комиссия

- | | |
|------------------|---|
| А.С. Шаймарданов | - Бош директорнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари в.б., <i>комиссия раиси</i> |
| Қ.Х. Тапаров | - Бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари, <i>комиссия раиси ўринбосари</i> |

Комиссия аъзолари:

- | | |
|----------------|---|
| Ж.В. Новикова | - Бош бухгалтер |
| О.Х. Рахматов | - Кадрлар бошқармаси бошлиғи |
| А.С. Солиев | - Комплаенс хизмати бошлиғи |
| У.У. Костаев | - Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими бошлиғи |
| Б.М. Сайдов | - Корпоратив ижтимоий масъулиятлар бўлими бошлиғи |
| И.К. Рахматов | - НКМК ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси (<i>келишиилган ҳолда</i>) |
| Н.С. Журабеков | - Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими етакчи иқтисодчиси, <i>комиссия котиби</i> |

Комиссия аъзолари бошқа ишига ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юкланган шахслар киритилади